

**ИНСОН РУҲИЯТИ ВА ОДОБ-АХЛОҚ ТУШУНЧАЛАРИНИНГ ФАЛСАФИЙ ВА
ПЕДАГОГИК АҲАМИЯТИ**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19207689>

Газиёва Паризод Зиқирияевна

Б.Сыдыков номидаги Қирғиз-Ўзбек Халқаро университети

Магистрант

Имаралиева Жамила Рахманалиевна

*п.ф.н., доцент Батыралы Сыдыков номидаги Қирғиз-Ўзбек
Халқаро университети, Қирғизистон Республикаси, Ош шаҳри.*

Аннотация

Мақолада инсон, руҳийлик ва одоб-ахлоқ тушунчаларининг фалсафий ва педагогик аҳамияти таҳлил қилинади. Ушбу категорияларнинг ўзаро боғлиқлиги, боланинг шахс сифатида шаклланишидаги роли ҳамда мактабгача таълим жараёнидаги ўрни аниқланади. Руҳий-ахлоқий тарбиянинг интеллектуал ва мотивацион компонентлари тавсифланиб, шахсни ривожлантиришининг назарий асослари кўриб чиқилади. Тадқиқот қадимдан келаётган анъана ва урф-одатлар, тарбия жараёни, тарихий назариялар ҳамда турли давр олимларининг илмий изланишлари ва далилларини таҳлил қилиш усули асосида ёзилди. Тадқиқотнинг назарий асосини инсон, руҳийлик ва одоб-ахлоқ тушунчаларига оид турли жамиятлардаги фалсафий қараешлар, педагогик илмий тадқиқотлар ҳамда ҳозирги даврдаги ижтимоий, маданий ва руҳий ўзгаришларга нисбатан қиёсий таҳлил ташкил этади. Тадқиқот натижасида бола шахсини шакллантиришида руҳий ва ахлоқий қадриятлар бирлиги асосий омил эканлиги илмий жиҳатдан асослаб берилди.

Калит сўзлар: *инсон, руҳийлик, одоб-ахлоқ, руҳий-ахлоқий тарбия, мактабгача таълим, қадриятлар, тарбия жараёни.*

**ФИЛОСОФСКОЕ И ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ ПОНЯТИЙ ЛИЧНОСТИ,
ДУХОВНОСТИ И ПРАВСТВЕННОСТИ**

Газиёва Паризод Зиқирияевна

Кыргызско-Узбекский Международный университет

имени Б. Сыдыкова Магистрант

Имаралиева Жамила Рахманалиевна

п.и.к., доцент Кыргызско-Узбекского Международного

университета имени Батыралы Сыдыкова,

Кыргызская Республика, город Ош

Аннотация

В статье анализируется философское и педагогическое значение понятий личности, духовности и нравственности. Определяются взаимосвязь данных категорий, их роль в становлении личности ребёнка и место в процессе дошкольного образования. Характеризуются интеллектуальный и мотивационный компоненты духовно-нравственного

воспитания, рассматриваются теоретические основы развития личности. Исследование выполнено на основе анализа традиций и обычаев, воспитательного процесса, исторических теорий, а также научных трудов и доказательств учёных различных эпох. Теоретическую основу исследования составляют философские взгляды различных обществ на понятия личности, духовности и нравственности, педагогические научные исследования, а также сравнительный анализ современных социальных, культурных и духовных изменений. В результате исследования доказано, что единство духовных и нравственных ценностей является ключевым фактором в формировании личности ребёнка.

Ключевые слова: *личность, духовность, нравственность, духовно-нравственное воспитание, дошкольное образование, ценности, воспитательный процесс.*

THE PHILOSOPHICAL AND PEDAGOGICAL SIGNIFICANCE OF THE CONCEPTS OF PERSONALITY, SPIRITUALITY, AND MORALITY

Gazieva Parizod Zikiriyaevna

*Kyrgyz-Uzbek International University named
after B. Sydykov
Master's Student*

Imaralievna Zhamila Rakhmanalievna

*the degree of Doctor of philosophy in Pedagogical Sciences,
Associate Professor of the Kyrgyz-Uzbek International University
named after Batyrally Sydykov, Kyrgyz Republic, Osh city*

Abstract

The article analyzes the philosophical and pedagogical significance of the concepts of personality, spirituality, and morality. It identifies the interrelationship of these categories, their role in the formation of a child's personality, and their place in the process of preschool education. The intellectual and motivational components of spiritual and moral education are characterized, and the theoretical foundations of personality development are examined. The study is based on the analysis of long-standing traditions and customs, the educational process, historical theories, as well as the research findings and evidence of scholars from different historical periods. The theoretical framework of the research consists of philosophical views in various societies on the concepts of personality, spirituality, and morality, pedagogical scientific studies, and a comparative analysis of contemporary social, cultural, and spiritual transformations. The results of the study demonstrate that the unity of spiritual and moral values is a key factor in the formation of a child's personality.

Keywords: *personality, spirituality, morality, spiritual and moral education, preschool education, values, educational process.*

КИРИШ

Ҳозирги жамиятдаги ижтимоий, маданий ва рухий ўзгаришлар шахсни тарбиялаш масаласини таълим тизимининг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида кўриб чиқишни талаб қилади. Айниқса, мактабгача ёш даврида боланинг дунёқараши, қадрият йўналишлари ва ижтимоий ҳулқ-атвор меъёрларининг асоси шаклланади. Шунинг учун инсон, рухийлик ва

одоб-ахлоқ тушунчаларини фалсафий ва педагогик жиҳатдан тадқиқ этиш таълим назарияси ва амалиёти учун алоҳида долзарб аҳамиятга эга.

Инсон, руҳийлик ва одоб-ахлоқ масалалари инсоншунослик фалсафасининг марказий мавзуларидан бири ҳисобланади. Ушбу тушунчаларни таҳлил қилишда классик фалсафада инсоннинг моҳияти унинг ахлоқий ва руҳий имкониятлари орқали белгиланиши таъкидланган. Масалан, Аристотель инсонни «ижтимоий мавжудот» сифатида қараб, унинг ахлоқий ривожланиши тарбия ва тажрибага боғлиқ эканлигини қайд этган [1]. Шунингдек, Иммануил Кант инсоннинг ахлоқий хатти-ҳаракатлари асосини ички ахлоқий қонун — «категорик императив» ташкил этишини илмий жиҳатдан асослаб берган [2].

Замонавий психология-педагогика фанларида шахс ижтимоий ривожланиш маҳсули сифатида талқин қилинади. Бундай ёндашув Лев Выготский томонидан ишлаб чиқилган маданий-тарихий назарияда ҳам ўз ифодасини топган [3]. Унга кўра, боланинг шахси ижтимоий ўзаро таъсир жараёнида ва маданий кадриятларни ўзлаштириш асосида шаклланади.

АНАЛИТИК ҚИСМ

Ушбу назарий қоидалар мактабгача ёшда руҳий-ахлоқий тарбия беришнинг ижтимоий ва маданий жиҳатдан асосланганлигини тасдиқлайди.

Шахс тушунчаси фалсафа, психология ва педагогика фанларида кўп қиррали категория сифатида қаралади. Фалсафий нуқтаи назарга кўра, шахс ижтимоий муносабатлар субъекти, онгли фаолият юритувчи ва ижтимоий муҳитда ўз ўрнини белгилай оладиган инсон сифатида тавсифланади. Шахс жамият билан ўзаро таъсир жараёнида шаклланиб, ижтимоий тажрибани ўзлаштириш орқали ўз дунёқараши, кадрият йўналишлари ва хулқ-атвор моделларини шакллантиради. Демак, шахсий сифатлар туғма эмас, балки тарбия, ижтимоий таъсирлар ва тажриба натижасида ривожланади.

Педагогика фанларида шахс тарбия ва таълимнинг асосий мақсади сифатида қаралади. Тарбия жараёни боланинг интеллектуал, эмоционал, ижтимоий ва руҳий сифатларини комплекс равишда ривожлантиришга йўналтирилади. Мактабгача ёш даврида боланинг ўз-ўзини баҳолаши, атроф-муҳитга бўлган муносабати ва жамиятдаги ўрнини англаши шакллана бошлайди. Бу давр шахсий сифатларни ривожлантиришнинг муҳим босқичи ҳисобланади.

Фалсафий адабиётларда руҳийлик инсоннинг ички дунёси, ахлоқий идеаллари, ҳаёт мазмунига бўлган қарашлари ва кадриятлари билан боғлиқ ҳолда талқин этилади. Руҳийлик моддий эҳтиёжлардан устун турувчи, инсоннинг ички дунёсини бойитувчи ва унинг ҳаётий позициясини белгилаб берувчи омил сифатида тушунилади. У меҳр-шафқат, сабр-тоқат, масъулият ва гуманизм тамойилларига асосланади.

Педагогик жиҳатдан руҳийлик – тарбия жараёнида шакллантириладиган шахсий сифатлар мажмуасидир. У боланинг яхшилик ва ёмонликни фарқлаш қобилиятини, инсонлар билан инсоний муносабат ўрнатиш маданиятини, атроф-муҳитга нисбатан масъулиятли муносабатини ривожлантиради. Мактабгача ёшда руҳийлик ўйин фаолияти, бадиий адабиёт, эртақлар, халқ урф-одат ва анъаналари ҳамда катталар намунаси орқали шаклланади.

Фалсафий маънода одоб-ахлоқ жамият томонидан қабул қилинган ахлоқий меъёрлар ва хулқ-атвор қоидалари мажмуаси сифатида тушунилади. У инсоннинг жамиятдаги хулқ-атворини тартибга солувчи ички ахлоқий қонунларга таянади ва масъулият ҳиссини шакллантиради.

Педагогикада одоб-ахлоқ тарбиянинг асосий компонентларидан бири ҳисобланади. У ҳалоллик, адолатпарварлик, меҳр-шафқат, эмпатия, катталарни ҳурмат қилиш, кичикларни

химоя қилиш каби сифатларни шакллантиришга йўналтирилади. Мактабгача ёшда одоб-ахлоқ боланинг кундалик хулқ-атворида, ўйинида, дўстона муносабатларида ва катталар билан мулоқотида намоён бўлиб, тарбиячи ва ота-онанинг намунаси орқали мустаҳкамланади.

Ушбу уч тушунча ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, бир-бирини тўлдириб туради. Шахснинг рухий даражаси унинг ахлоқий хулқ-атворида акс этади, одоб-ахлоқ эса рухий қадриятларнинг амалий ифодаси сифатида намоён бўлади. Уларнинг бирлиги боланинг ижтимоий жиҳатдан масъулиятли, гуманистик қарашларга эга шахс сифатида шаклланишига замин яратади.

Рухий-ахлоқий қадриятларни амалга оширишга тайёргарлик бир нечта компонентдан иборат:

Интеллектуал компонент:

- рухий-ахлоқий қадриятларни билиш;
- уларнинг ижтимоий аҳамиятини англаш;
- мураккаб вазиятларда ахлоқий принципларга таяниб қарор қабул қилиш.

Мотивацион компонент:

- рухий қадриятларга ижобий муносабат;
- ахлоқий хулқ-атвор зарурлигига ишонч;
- ахлоқий принципларни кундалик ҳаётда сақлаш истаги.

Ушбу компонентларнинг бирлиги бола хулқ-атворининг ички тартибга солувчисига айланиб, барқарор шахсий сифатларни шакллантиради.

Рухий-ахлоқий тарбиянинг педагогик воситалари

Восита	Тарбиявий натижа	
Эртак итлар	ва ахлоқий пантериш	тушунчаларни
Ролли ўйинлар	ижтимоий клантириш	хулқ-атворни
Халқ галари	маданий иҳкамлаш	идентикликни
Намунавий тиш	ахлоқий иҳкамлаш	меъёрларни

Инсон, рухийлик ва одоб-ахлоқ масаласи қирғиз фалсафий-педагогик тафаккурида ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Қирғиз интеллектуал анъанасида шахсни тарбиялаш миллий маданият, тил, одоб ва рухий мерос билан узвий боғлиқ ҳолда қараб келинган.

Ўрта аср туркий мутафаккири Жусуп Баласағын ўзининг Кутадгу билиг асарида инсон қадри ақл, одоб ва рухий поклик орқали белгиланишини таъкидлаб, шахсий камолотни ижтимоий масъулият билан боғлаган. Унинг қарашлари рухийликни давлат ва жамият тартибининг асоси сифатида талқин этади [4].

ПАЙДАЛАНЫЛГАН АДАБИЯТТАР ТИЗМЕСИ:

1. Никомахова этика/Аристотель; пер. с древнегреч. – М.: Мысль, 1983. – 376 с.
2. Основы метафизики нравственности/И.Кант; пер. с нем. – М.: Мысль, 1999. – 528 с.
3. Мышление и речь/Л.С.Выготский. – М.: Лабиринт, 2001. – 352 с.

4. Тайирова Н.М. Жусуп Баласагындын «Куттуу билим» чыгармасынын жаштарды тарбиялоодогу жана билим берүүдөгү орду/Н.М.Тайирова, Б.Б.Зулуев//Наука, новые технологии и инновации Кыргызстана. – 2024. – No. 8. – P. 282-285. – DOI 10.26104/NNTIK.2024.76.32.058. – EDN FGWGQV.

5. Алимбеков А. Значение слов, связанных с детьми и их воспитанием, в “Словаре тюркских слов” Махмуда Кашгари/А.Алимбеков//Известия Кыргызской академии образования. – 2016. – № 4(40). – С. 93-99. – EDN YITTDG.

6. Мурзакулова Ж.Ж. Возможность использования этнокультурных ценностей в творчестве Ч. Айтматова для духовно-нравственного воспитания подростков/Ж.Ж. Мурзакулова К.М.Илимбек//Международный журнал гуманитарных и естественных наук. – 2025. – № 11-1(110). – С. 85-90. – DOI 10.24412/2500-1000-2025-11-1-85-90. – EDN PFZJPR.

7. Мырзакматова М. О. Чынгыз Айтматовдун сүйлөгөн сөздөрүндөгү философиялык изденүүлөр/М.О.Мырзакматова//Вестник Международного Университета Кыргызстана. – 2019. – No. 2(39). – P. 103-107. – EDN OMEUNG.

8. Кыргыз Республикасынын мектепке чейинки билим берүү стандарты. – Бишкек: Билим берүү жана илим министрлиги, 2020. – 48 б.